

**БУХОРО ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Б.Ахмедов, У.Косимов

**ОЧИҚ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ**
(Услубий қўлланма)



Бухоро-2014 йил

Тузувчилар:

Б.Я.Аҳмедов- ВПКҚТ ва МОИ ўқув бўлими бошлиғи

У. А. Қосимов - ВПКҚТ ва МОИ педагогика-психология, мактабгача ва бошланғич таълим кафедрасининг мудири, п.ф.н.

Тақризчилар: “Ижтимоий фанлар“ кафедраси мудири Й.Ҳ.Ҳайдаров
Катта ўқитувчи М.С.Ҳасанова

Ушбу методик тавсия институт ўқитувчилари ва курс раҳбарлари ва малака ошириш курси тингловчилари учун тузилган бўлиб Бухоро вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2014 йил 17- апрелда ўтказилган 2- сонли йиғилиш қарорига мувофиқ фойдаланишга тавсия этилди.

К И Р И Ш

Республикамизнинг юқори даражадаги ривожланган давлатлар каторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Айтиш жоизки, таълим тизimini тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илғор тажрибаларга таянган ҳолда, узлуксиз таълим тизimini барча таълим муассасаларида таълим жараёнини таъминловчи омил ҳамда илмий – услубий технология сифатида амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам кўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш-ўргатишнинг инновацион услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик компетентлик кўникмаларни эгаллаган бўлишлари керак.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий ва педагогик маҳоратини қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз такомиллаштириш, орқали замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини ва педагогик компетентлигини шакллантириш, педагог кадрларни янги педагогик технологиялар инновацион усуллар билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда.

Ушбу услубий қўлланманинг асосий мақсади очиқ ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва таҳлил қилиш

бўйича тушунча беришдир. Очик ўқув машғулотлари замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг интерактив, инновацион усулларини пухта ишлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони, педагоглар ва ёш педагоглар учун педагогик маҳорат, ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши лозим.

Очик ўқув машғулотларини жорий этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

Очик ўқув машғулотларини жорий этиш ва ўтказиш тартиби қуйидагича амалга ошириш жоиз:

- Очик дарс машғулотлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарорига талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.
- Очик ўқув машғулотлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг инновацион, интерфаол усуллари қўлланилган ҳолда академик гуруҳларда жадвал бўйича олдиндан эълон қилинган мавзу асосида ўтказиладиган машғулотдир.
- Очик ўқув машғулотига билимларнинг ушбу соҳасидаги тажрибали педагоглар, олимлар ва мутахассислар таклиф

этилади. Ёш педагогларнинг очик ўқув машғулотларига қатнашиши тавсия этилади.

- Очик ўқув машғулотлари замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг интерактив усулларини пухта ишлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони, ёш педагоглар учун педагогик маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.
- Очик ўқув машғулотларини тажрибали ўқитувчилар ҳар 2 йилда бир марта ўтказишлари шарт.

Очик ўқув машғулотларининг асосий мақсади:

- а) ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, компетентлигини ошириш;
- б) ёш педагогларни илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг инновацион интерфаол усулларини қўллаган ҳолда дарс ўтишга ўргатиш;
- в) Давлат таълим стандартлари талаблари(Давлат талаблари) асосида касбий ва педагогик маҳоратини доимий равишда ўстириш;
- г) ўқитувчиларнинг касбий билимлари, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб боришдан компетенциясини оширишдан иборатдир.

Очиқ ўқув машғулотларини режалаштириш

- Очиқ ўқув машғулотлари ўқув режаларида кўзда тутилган фанлардан, шу жумладан умумкасбий ва мутахассислик фанларида ўтказилади.
- Очиқ ўқув машғулотлари режаси тегишли фанлар кафедра (бўлим)ларида ўқитувчилар иштирокида тузиб чиқилади ва муҳокама қилиниб маъқуллангач, ўқув ишлари бўйича проректор(ўқув ишлари бўйича бўлим бошлиғи) томонидан тасдиқланади.
- Очиқ ўқув машғулотлари одатда икки академик соатга мўлжалланган.
- Очиқ ўқув машғулотлари мавзуи тақвим мавзу режага мувофиқ, ўқитувчи томонидан ихтиёрий танланади.

Очиқ ўқув машғулотларига қўйиладиган талаблар

- Очиқ ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши, интеллектуал ривожланиши, баркамол инсон бўлиши ҳамда жисмонан ва руҳий барқарорланиши учун омил бўлиши керак.
- Очиқ ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиши, мавзуни ўзлаштириши, ижодий изланишга когнитив жараёнларини йўналтириши ва уларнинг зарурий мотивациясини уйғота олиши, ахборот узатишнинг ва қабул қилишнинг аудал, визуал ҳамда кинестетик шакллари талабларини ҳисобга олиши зарур.

- Машғулот сценарийсида дарс(назарий, амалий машғулот, лаборатория, виртуал лаборатория иши ва ҳ.к.)нинг илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, тушунарлилиги замонавий илм-фан ривожининг ўрни, шунингдек, фанлар ўртасидаги алоқани узвийлиги ва узлуксизлиги, муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги ўқувчиларнинг пухта ва самарали билим олишларини таъминлашлари лозим эканлигини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.
- Очик ўқув машғулотларида замонавий илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол, инновацион усуллари оптимал ва самарали қўлланилиши лозим.

Очик ўқув машғулотларини тайёрлаш

Ўқитувчи очик ўқув машғулотига тайёрланиш жараёнида куйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак:

- а) машғулот вақтини оптимал режалаштириш;
- б) фойдаланиш учун танлаб олинган манбаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қила олиш;
- в) академик гуруҳдаги ўқувчиларнинг педагогик, психологик ва физиологик имкониятларини ҳисобга олиш(мавзуни тушунтириш учун аввал ўзлаштирган билимларнинг кўникма ва малака даражасини аниқлаш);
- г) машғулотнинг турига қараб, унинг услуби, технологияси ва воситаларини тўғри оптимал танлаш;

д) Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларнинг чуқур билим олиши ва уни ўзлаштиришини таъминлаш.

Очиқ ўқув машғулоти мавзуини танлашда ўқитувчининг педагогик, психологик ва касбий маҳорати, компетентлиги, дарс ўтиш методикаси, оптимал технологияси, ва дарс ўтишнинг дидактик ва АКТ воситалари аниқ акс эттирилиши керак.

Очиқ ўқув машғулотига тайёрланиш даврида ўқитувчи илмий-услугий, педагогик ва психологик изланиши, когнитив кўргазмали(мультипликация, мультимедия, слайд, виртуал, компьютерли ва хоказо) ва дидактик материаллардан, ўқитишнинг техник воситаларидан, ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши керак. Шунингдек, кўргазмали ва намойиш этиладиган қуроллардан фойдаланиш кетма-кетлиги, алгоритми аввалдан режалаштирилиши зарур.

Сценарийда белгиланган вақт давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти(нима билан машғул бўлиши) аниқ белгиланиши яъни унинг технологик модели ва харитаси ишлаб чиқилиши ҳамда унга амал қилиниши лозим.

Кафедра (бўлим) аъзолари, ўқув бўлими ва бошқа ўқитувчилар очик ўқув машғулотига тайёргарлик жараёнида ўқитувчига ҳар тарафлама илмий-услугий, техникавий, ашёвий ва таҳлилий, амалий ёрдам кўрсатишлари жоиз.

Очиқ ўқув машғулотининг услубий таъминоти

Очиқ ўқув машғулотининг услубий мажмуаси қуйидагилардан иборат:

- фаннинг тақвим мавзу режаси;
- маъруза матни(таянч конспект), машғулот(назарий, амалий, лаборатория иши, мустақил иш, ва ҳ.к.)нинг режаси;
- очиқ ўқув машғулотининг сценарийси, унинг технологик харитаси ва модели;
- сценарий технологик харитаси ва моделида кўрсатилган дидактик, когнитив кўргазмали(мультипликация, мултимедия, слайд, виртуал, компьютерли ва хоказо) материаллар, ахборот коммуникация ва техникавий воситалар;
- назорат иши(дарсни мустаҳкамлаш) учун саволлар, тест тўплами;
- мустақил ишлаш вазифаси учун саволлар ёки муаммоли масалалар тест тренинглари тўплами.
- услубий мажмуанинг таркиби машғулот(дарс) тури билан боғлиқ тарзда танланади.

Очиқ ўқув машғулотининг мақсади қуйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

а) назарий амалий лаборатория ва виртуал лаборатория машғулотларда компьютер техникаси ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

- б) таълим-тарбия жараёнида муаммоли, интерфаол ўқитишнинг ўрни;
- в) фанлараро боғлиқликнинг узвийлиги ва узлуксизлиги;
- г) ўқувчиларнинг мустақил, креатив ишлашини таъминлаш(педагогик, психологик, техникавий, технологик);
- д) ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришнинг аудал, визуал, кинестетик жараёнини жадаллаштириш;
- е) ўқувчиларнинг машғулотдаги мавжуд дидактик материаллар, услубий қўлланмалар ва техникавий, технологик жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Очиқ ўқув машғулотлари ўтказилишини эълон қилиш

Очиқ ўқув машғулоти ўтказилиши тўғрисида бир ҳафта олдин иштирокчиларга эълон маълум қилинади. Эълонда очиқ ўқув машғулотнинг мавзуи, ўқитувчининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, унвони, тоифаси, шунингдек, ўтказиладиган жойи, куни, вақти кўрсатилади.

23. Очиқ ўқув машғулотиغا яқин атрофдаги таълим муассасаларининг(мактаб, интернат, лицей, коллеж ва хоказо) ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчилари таклиф этилиши мумкин.

Очиқ ўқув машғулотлари натижаларини муҳокама этиш

Очиқ ўқув машғулотларининг мазмун моҳияти ва илмий-услубий савияси юзасидан атрофлича муҳокама дарсдан бўш пайтда тегишли фан кафедраси (бўлим)да ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Очиқ ўқув машғулотлари тўғрисидаги ташқи фикр-мулоҳаза ёзма равишда раҳбариятга тақдим этилиши мумкин.

Муҳокамада сўзга чиқувчилар Очиқ ўқув машғулотининг ютуқ ва камчиликларини тўлиқ очиб беришлари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беришлари жоиз.

Муҳокама ошкора, холисона ва дўстона вазиятда ташкил этилиши лозим.

Юқори савияда ўтказилган очиқ ўқув машғулотлари материаллари ўқитувчилар орасида оммалаштириш учун тавсия этилиши керак.

Очиқ ўқув машғулотлари муаллифларини рағбатлантириш

Педагог ҳамда профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда, Давлат мукофотларига тавсия этишда улар томонидан юқори савияда ташкил этилган очиқ ўқув машғулотлари натижалари инобатга олиниши лозим.

Очиқ ўқув машғулотлари натижалари ўқитувчиларнинг йиллик рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг тажрибасини

оммалаштириш, аттестациядан ўтказиш жараёни, малака
тоифаларини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

